69-132 16-IV
2016

2016 ЙИЛ 1 АПРЕЛЬ, ЖУМА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 69 (13.132)

Баҳоси эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ БЕШИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2016 йил 31 март куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси очилди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, бошқа ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мажлисни Олий Мажлис Сенати Раиси Н.Йўлдошев бошқарди.

Сенаторлар ўз ишини "Парламент назорати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқишдан бошлади. Таъкидланганидек, охирги йилларда давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган ва парламент томонидан қабул қилинган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ парламентнинг давлат ҳокимияти тизимидаги ролини оширишга кўмаклашган чора-тадбирлар кўрилди, ҳокимият тармоқлари бўлиниши конституциявий принципини босқичма-босқич рўёбга чиқаришга, Олий Мажлис, маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари ваколатлари ва назорат функцияларини кенгайтиришга қаратилган кенг кўламли ишлар олиб борилди.

2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига парламент назорати институтини конституциявий тарзда мустаҳкамлашга, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг назорат функцияларини янада кенгайтириш ҳамда кучайтиришга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қонун ҳужжатлари ижро этилиши учун жавобгарлигини оширишга қаратилган тузатишлар киритилди.

Мамлакатимиз Президенти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимда "Парламент назорати тўғрисида"ги Қонунни қабул қилиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Кўриб чиқилган Қонуннинг асосий мақсади Конституция ва қонунлар талабларининг ижро этилиши устидан парламент назоратини амалга оширишнинг ягона ва бир тизимга солинган қонунчилик базасини яратишдан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг зиммасига юклатилган вазифалар ҳамда функцияларнинг, шунингдек, муҳим давлат дастурларининг рўёбга чиқарилиши юзасидан ушбу давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини ҳамда жавобгарлигини оширишдан иборат.

Қонунда парламент назорати субъектлари ва объектлари белгилаб берилган, унинг шакллари мустаҳкамланган, парламент назорати натижалари бўйича кўриладиган чора-тадбирлар тартибга солинган.

Жумладан, Олий Мажлис палаталари, палаталар қўмиталари (комиссиялари), сиёсий партиялар фракциялари, депутатлар гуруҳлари, депутатлар ва сенаторлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) парламент назорати субъектлари қаторига киритилган.

Парламент назорати шакллари аниқ мустаҳкамлаб қўйилди. Қонунда мамлакат давлат бюджети ижро этилишини кўриб чиқиш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг айрим долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботини, ҳукумат аъзоларининг ахборотини, Ҳисоб палатаси, Бош прокурор, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Марказий банк ҳисоботларини эшитиш назарда тутилган. Парламент сўрови, депутат ва сенатор сўрови, Олий Мажлис палаталари қўмиталари томонидан қонун ҳужжатлари ижро этилаётганлигини ўрганиш, қабул қилинган қонунларни ижро этиш мақсадида қонуности ҳужжатлари қабул қилинишини мониторинг қилиш, парламент текшируви сингари янги, бироқ амалиётда синалган парламент назорати шакллари мустаҳкамлаб қўйилган.

Мажлисда қайд этилганидек, Қонунда парламент назорати натижалари бўйича қабул қилиниши мумкин бўлган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларнинг, шунингдек, парламент назоратини амалга оширишда парламент назорати субъектлари ва давлат органлари мажбуриятларининг мустаҳкамлаб қўйилиши муҳим аҳамиятга эга.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу қонуннинг қабул қилиниши ҳокимият тармоқлари бўлиниши конституциявий принципини рўёбга чиқаришни давом эттиришда, улар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва мувозанат тизимини яратишда, Олий Мажлиснинг давлат ҳокимияти органлари тизимидаги ролини кучайтиришда, қонун устуворлигини, қонунийликни, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда қонунлари ижросини таъминлашда, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари зиммасига юклатилган вазифаларни ижро этиш учун уларнинг жавобгарлигини оширишда муҳим омил бўлади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан Олий Мажлиснинг қуйи палатасига киритилган "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини (янги таҳрири) кўриб чиқдилар. Қонун бухгалтерия ҳисобини тартибга солиш тизимини халқаро принциплар ва стандартларга мувофиқ такомиллаштиришга, бухгалтерия ҳисоби ошкоралигини оширишга, бухгалтерия ҳисоби субъектлари раҳбарларининг ҳамда бухгалтерия хизматлари раҳбарларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ фарқлаб қўйиш орқали уларнинг жавобгарлигини оширишга қаратилганлиги таъкидланди.

Қонунда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш тизимида уни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш натижасида аниқланган амалдаги қонун ҳужжатларидаги эскирган нормалар ва бўшлиқлар бартараф этилди. Айрим нормалар миллий қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартишларга ва халқаро амалиётдаги бухгалтерия ҳисобини ривожлантириш тамойилларига мувофиқлаштирилди. Хусусан, бухгалтерия ҳисоби хизматининг раҳбарларига, унинг малака кўникмаларига, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисобот тузишга доир ишларга, бухгалтерия ҳужжатларини сақлаш муддатларига, шунингдек, ушбу соҳада ташқи ва ички назоратни ташкил этишга доир фаолиятга қўйиладиган талаблар аниқ белгилаб берилди. Хусусий мулк ва тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш юзасидан мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ишларни инобатга олган ҳолда қонунда кичик корхоналар ва микрофирмалар молиявий натижалар тўғрисида бухгалтерия балансидан ва ҳисоботдан иборат бўлган тайёр молиявий ҳисоботни тақдим этиши белгиланмоқда.

Бухгалтерларнинг жамоат бирлашмаларини тузиш имконияти тўғрисидаги норманинг қонунчилик йўли билан мустаҳкамланиши, сенаторларнинг фикрича, бухгалтерларнинг умумий манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш учун зарур шарт-шароитлар яратади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенаторларнинг фикрича, Қонунда янги қоидаларнинг мустаҳкамлаб қўйилиши бухгалтерия ҳисобини юритиш принципларини, унинг мақсадлари ва вазифаларини тўлиқроқ очиб беришга, ушбу соҳада ошкоралик ва хавфсизликни оширишга, ички назорат тизимини мустаҳкамлашга, бухгалтерларнинг ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг касбий фаолиятини кучайтиришга кўмаклашади.

(Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ШИЖОАТЛИ, ИШБИЛАРМОН АЁЛЛАР БЕЛЛАШДИ



"Туркистон" саройида 2016 йил "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижросидан келиб чиқиб, "Йилнинг тадбиркор аёли" кўрик-танлови Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, "Тадбиркор аёллар" ассоциацияси, Савдо-саноат палатаси, Марказий банк Тошкент шаҳар бошқармаси ва қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган танловда пойтахтимизнинг 11 та туманида биринчи ўринни қўлга киритган шижоатли ва оқилона тадбиркор аёллар иштирок этишди.

Дастлаб, тадбиркор аёллар томонидан тақдим этилган тикувчилик, қандолатчилик, миллий ҳунармандчилик намуналари, тайёр маҳсулотлар кўргазмаси томошабинлар ва ҳайъат аъзолари эътиборига тақдим этилди.

11 та иштирокчи дастлаб таништирув шартида ўзларининг қандай қилиб тадбиркорлик соҳасида иш бошлаганлари, бугунги кунда эришаётган ютуқлари ва бошқа жиҳатлар ҳақида маълумот беришди. Иккинчи шартда иштирокчилар ижтимоий-ҳуқуқий билимларини синовдан ўтказишди. Учинчи шарт эркин мавзуда бўлиб, айниқса йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Кимдир қўшиқ куйлади, кимдир рақсга тушди, кимдир ифодали шеър ўқиди, хуллас иштирокчилар моҳир тадбиркор бўлиш билан бир қаторда санъат шайдоси, қўшимча иқтидор эгаси эканлигини намойиш этишди. Тадбиркор аёлларимиз ўз чиқишларида асосий эътиборни "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурига қаратганликлари диққатга лойиқ бўлди.

Тадбирга пойтахтдаги касб-ҳунар коллежларида таълим олаётган 500 дан ортиқ битирувчи қизлар таклиф этилди, зеро, бу бежизга эмасди, чунки улар ҳам эртага ўқишни битиргач, худди шундай опалари каби тадбиркорлик билан шуғулланишлари, жамиятга фойда келтиришлари инобатга олинди.

Маълумотларга кўра, ҳозирги вақтда мамлакатимиздаги кичик бизнес субъектларининг 120 мингдан зиёдини, фермер хўжаликларининг 4 минг 550 дан ортиғини хотин-қизлар самарали бошқариб, барчага ўрнак ва намуна бўлиб келмоқда. Биргина 2015 йилнинг ўзида тадбиркор аёллар учун ажратилган кредитлар 1 триллион 255 миллиард сўмни ёки 2014 йилга нисбатан 130 фоизни ташкил этган.

Бу рақамлар юртимизда тадбиркорлик билан шуғулланаман деган аёллар берилаётган эътиборнинг юксак самараси дейиш мумкин.

Президентимиз 8 март байрами муносабати билан Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригида "... бугун Ўзбекистонимиз қўлга киритаётган улкан марраларда – бу қайси соҳа, қайси касб-ҳунар бўлмасин, уларнинг барчасида аёлларимизнинг муносиб, буюк ҳиссаси борлигини миннатдорлик билан таъкидлаймиз", дея алоҳида эътироф этдилар.

Нуфузли ҳакамлар ҳайъати кўрик-танлов иштирокчиларининг чиқишларини баҳолаб бордилар. Барча шартлардан сўнг ҳаяжонли дақиқалар етиб келди. Кўрик-танлов қоидаларига кўра, энг кўп балл жамғарган Олмазор тумани вакили, "Epli kelin" ўқув маркази раҳбари Дилфуза Ганиева биринчи ўринни қўлга киритди. Иккинчи ўринга Чилонзор туманидан иштирок этган тадбиркор Гулнора Мўминова ва Миробод туманидан қатнашган Мукаррам Нуриддинова, учинчи ўринга Шайхонтоҳур тумани вакили Ноиба Каримжонова ҳамда учтепалик Насиба Бахтиёровалар сазовор бўлишди.

Голибларга ҳомий ташкилотларнинг сертификат ва эсдалик совғалари топширилди.

З. ШАРИФЖОНОВ
Ислом Исмоилов олган суратлар

Италиянинг Ломбардия минтақасида "Apindustria" кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш ассоциацияси томонидан ташкил этилган халқаро бизнес-форум доирасида Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ва сармоявий салоҳияти тақдимоти бўлиб ўтди.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИ ИТАЛИЯДА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Мазкур тадбирда иштирок этган Италиянинг йирик компаниялари ва саноат корхоналари вакиллари мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари билан яқиндан таништирилар. Бундан ташқари, Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни модернизациялаш ҳамда технологик қайта жиҳозлаш, сармоявий муҳитни янада такомиллаштириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар, шунингдек, кейинги йилларда ҳаётга татбиқ қилинаётган давлат дастурлари ҳақидаги маълумотлар ҳам чет эллик мутахассислар эътиборига ҳавола қилинди.

"Apindustria" кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш ассоциацияси президенти Дуглас Сивьери Ўзбекистон иқтисодиётининг жадал суръатларда ўсиб бораётганини қайд этиб, республикамиз сармоявий салоҳияти юқори эканлигига алоҳида урғу берди. Унинг эътироф этишича, Италияда Ўзбекистон билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга бўлган қизиқиш, айниқса, кичик ва ўрта бизнес вакиллари орасида тобора кучаймоқда. Д.Сивьери мамлакатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни янада кенгайтириш, йирик қўшма лойиҳаларни амалга ошириш зарур эканлигини таъкидлади.

Анжуманда сўзга чиққан Италия бизнес доираларининг бошқа вакиллари ҳам мамлакатимизда, жумладан, "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий, "Жиззах" ва "Ангрен" махсус индустриал зоналарида янги ишлаб чиқариш объектларини барпо этиш учун қулай шарт-шароит, катта имкониятлар мавжудлигини алоҳида қайд этишди. Қолаверса, Италиянинг "Marzoli" ва "Lonati" компаниялари Ўзбекистонга тўқимачилик ускуналарини етказиб бериш юзасидан шартномалар имзолашгани муваффақиятли йўлга қўйилган савдо-иқтисодий алоқаларнинг яна бир ёрқин намунаси сифатида тилга олинди.

Агросаноат жабҳаси ҳам маҳаллий ишбилармон доираларда катта қизиқиш уйғотди. Шу боис "Apindustria" кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш ассоциацияси жорий йилда Тошкентда ўтказилиши мўлжалланган "Uzbekistan Agrominitech Expo-2016" XI Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдосида қатнашиш учун Италия компанияларининг сафарини ташкил этишни режалаштираётганини маълум қилди.

"Жаҳон" АА,
Рим

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Нукусда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларга қўшимча имтиёз ва преференциялар яратиш борасида қабул қилинаётган қонун ва қарорларнинг ижросини таъминлашга бағишланган семинар ўтказилди.

● Самарқандда "Маҳаллий давлат ҳокимияти, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бошқармалари фаолиятига "электрон ҳукумат" тизимини жорий қилиш ва ривожлантиришнинг долзарб масалалари" мавзуида семинар бўлиб ўтди.

● Жиззахда "Таълим ва мутахассислик" кўргазмаси ва бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди.

● Андижонда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматлари фаолиятидаги долзарб вазифалар мавзусида ўқув-семинар ўтказилди. Тадбирда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида ахборот хизматларини ташкил этиш, уларнинг фаолиятини такомиллаштириш, турли соҳалардаги жараёнларни сифатли ва атрофлича ёритиш, ахборот хизмати раҳбарларининг касбга оид билими ва малакасини ошириш, веб-сайтлар яратишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

● Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ташкил этилган "Хуш кайфият" қизиқчилар ва сўз усталари республика кўрик-фестивалининг Бухоро вилояти босқичи якунланди.

ЖАҲОНДА

● АҚШнинг самолётсозликка ихтисослашган "Боинг" корпорацияси йил ўрталарига бориб 4,5 мингта иш ўрни қисқартирилишини билдирди. Бунга сабаб корпорация томонидан бу йил ишлаб чиқариладиган самолётлар сони миқдори ўтган йилга нисбатан бирмунча кам эканлигидадир. Шунингдек, Франциянинг "Airbus" компанияси ҳам бир қатор кўрсаткичлар бўйича "Боинг"дан ўтиб кетган.

● Мексикада 5,8 балл магнитудали ер қимирлаши содир бўлди. Сан-Фелипе шаҳридан 127 километр жанубий-шарқий ҳудуддаги Калифорния кўрфази зилзила маркази бўлган. Қурбонлар ва вайронагарчиликлар ҳақида ҳозирча маълум қилинмаган.

● Маълумки, афсонавий спортчи ва мураббий, Голландия терма жамоаси, "Барселона" ва "Аякс" клубларидаги ўйинлари билан мухлислар ёдида қолган Йохан Круифф яқинда 68 ёшида саратон хасталиги билан оламдан ўтганди. Куни кеча Испаниянинг "Барселона" клуби раҳбарияти голландиялик ушбу афсонавий футболчи хотирасига бағишлаб "Ноу Камп" стадионида ёдгорлик ҳайкали ўрнатди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ БЕШИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ялпи мажлисда парламент юқори палатаси вакиллари "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар. Ушбу қонуннинг асосий мақсади ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ соҳаларидаги амалдаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришдан иборат.

Ушбу қонун билан Жиноят кодексига, Жиноят-процессуал кодексига, Фуқаролик кодексига, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга, "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги, "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги, "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида"ги, "Ер ости бойликлари тўғрисида"ги қонунларга ва бир қатор бошқа қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ҳамда қўшимчалар киритилмоқда.

Жумладан, ушбу Қонун билан қулай инвестиция имкониятларини ва ишчанлик муҳитини янада яхшилашга, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қаратилган қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелда қабул қилинган "Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонини ижро этиш мақсадида "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунга акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштиришга, улар фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилди. Хусусан, Қонунда белгиланган тартибга кўра акциядорлик жамиятининг устав капитали фақатгина қўшимча акцияларни чиқариш ва жойлаштириш йўли билан амалга оширилади. Боз устига хусусий акциядорларнинг камида учдан икки қисмининг розилигисиз соликқа оид ёки давлат олдидаги бошқа қарздорлик ҳисобига акциядорлик жамиятларининг устав капиталидаги давлат улушини шакллантириш ёки ошириш тақиқланади.

Мазкур Қонун билан "Ер ости бойликлари тўғрисида"ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Сенаторларнинг фикрича, ушбу ўзгартишлар геологик-тадқиқот ишларининг самарадорлигини янада оширишга ва ер ости бойликларидан фойдаланиш соҳасида рақобат муҳитини яратишга, шунингдек, республика минерал хомашё базасидан оқилона фойдаланиш соҳасида ҳуқуқни қўллаш амалиётини яхшилашга кўмаклашади.

Қонунда суд-ҳуқуқ соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларига бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, Қонун билан Жиноят кодексига ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга жисман ишлатиб бўлинган ҳамда маънавий эскирган асбоб-ускуна ва технологияларни олиб кирганлик ҳамда ўрнатганлик учун жавобгарликнинг янада кучайтирилишини назарда тутувчи тузатишлар киритилди. Бу тармоқларни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, иқтисодиётни ислоҳ қилиш бўйича мамлакатда олиб борилаётган кенг кўламли ишларнинг самарадорлигини оширишга, шунингдек, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг экспорт салоҳиятини, рақобатдошлигини юксалтиришга кўмаклашади.

Парвозлар хавфсизлигини таъминлаш тартибини, паспорт тизими қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик кучайтирилмоқда. Фуқаролик кодексига киритилган тузатишларга мувофиқ турар жойларни ижарага бериш, текинга фойдаланишга бериш, улардан мақсадли фойдаланилаётганликни назорат қилиш тартиби такомиллаштирилди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг прокуратура органлари фаолияти устидан назорат қилувчи комиссияси тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар. Мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича мамлакатда қонун устуворлигини, қонунийликни таъминлашга, фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилганлиги таъкидланди.

Қонунчилик базасини ҳар томонлама мустаҳкамлаш ва қонунларни сўзсиз ижро этиш, фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ошириш – демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш, хусусий мулк ва тадбиркорлик ривожланишини жадаллаштириш ҳамда унинг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни янада кучайтиришнинг муҳим шартларидан биридир.

Прокуратура органлари ушбу чора-тадбирларни самарали бажаришда муҳим роль ўйнайди. Прокуратура органларининг зиммасига Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқ қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилаётганлигини назорат қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш вазифалари юклатилган.

Шу билан бирга мажлисда таъкидланганидек, мамлакатимиз Конституциясида белгиланган "прокуратура органларининг Олий Мажлис Сенати олдида ҳисобдорлиги"ни таъминлаш ва рўёбга чиқаришда Бош прокуратура ва унинг маҳаллий органлари фаолияти устидан парламент назоратининг таъсирли механизмини йўлга қўйиш зарур.

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасида парламент назоратини ва прокуратура органлари фаолиятининг қонунийлигини кучайтириш заруратига алоҳида урғу берилганди.

Прокуратура органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштириш, мамлакатда қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлаш бўйича прокуратура органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш мақсадида жорий йилнинг 19 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг прокуратура органлари фаолияти устидан назорат қилувчи комиссиясини тузиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қўшма қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорга мувофиқ Комиссиянинг зиммасига қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш, прокуратура органларининг ҳуқуқни қўллаш амалиётини ҳар томонлама ўрганиш ва умумлаштириш, прокуратура органлари фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва уларнинг ишлаш усулларини янада такомиллаштириш юзасидан прокуратура органлари фаолияти, уларнинг зиммасига юклатилган вазифалар самарали бажарилаётганлиги устидан мунтазам парламент назоратини амалга ошириш вазифалари қўйилди.

Қарорда Комиссия аъзолари сенаторлар орасидан уларнинг ваколатлари муддатига республиканинг барча минтақасидан вакил бўлган ўн беш кишилик таркибда Сенат томонидан сайланиши белгиланган.

Шу муносабат билан батафсил ва ҳар томонлама муҳокамадан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг прокуратура органлари фаолияти устидан назорат қилувчи комиссияси таркибини туздилар ва тасдиқладилар.

Прокуратура органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш, шунингдек, қонун устворлигини ва қонунийликни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, прокуратура органларининг ҳуқуқни қўллаш амалиётини ҳар томонлама ўрганиш ва умумлаштириш, прокуратура органлари фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ҳамда уларнинг ишлаш усулларини янада такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш бўйича прокуратура органлари зиммасига юклатилган функцияларнинг самарали бажарилиши устидан мунтазам парламент назоратини амалга ошириш вазифалари Комиссия зиммасига юклатилди.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсман) 2015 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни эшитдилар. Омбудсманнинг ўтган йилдаги фаолияти давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, уларнинг мансабдор шахслари томонидан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилаётганлиги устидан парламент назоратини амалга ошириш, бу соҳадаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга кўмаклашиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилганлиги таъкидланди.

Ҳуқуқий маданиятни ошириш ва фуқарорлик жамияти институтларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ҳамда суд тузилмалари билан ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, уларнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолияти устидан жамоат назорати механизмини такомиллаштириш юзасидан қатор тадбирлар ўтказилди.

Омбудсман томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилаётганлиги тўғрисидаги мурожаатлари кўриб чиқилишига, уларни тиклаш бўйича қонуний чоралар кўришга алоҳида эътибор қаратилди.

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) томонидан аҳоли ўртасида ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий саводхонлик ошиб бораётганлиги қайд этилди.

2015 йилда омбудсман социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва суд-ҳуқуқ соҳаларидаги демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган бир қатор қонунларни ишлаб чиқишда фаол иштирок этди. "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма уч йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Сенат қарорини рўёбга чиқариш юзасидан катта ишлар амалга оширилди.

Муҳокама чоғида сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қатор таклиф ва тавсиялар билдирди.

Шундан сўнг сенаторлар ўз конституциявий ваколатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2015 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни эшитди. Мамлакатимиз давлат бюджетини ижро этиш бўйича ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолияти устидан парламент назорати кучайтирилаётган бир шароитда Ҳисоб палатасининг профессионал фаолият кўрсатиши бюджет маблағларининг аниқ мақсадда ва самарали сарфланишини назорат қилиш ва таъминлашнинг таъсирли механизмларидан бири эканлиги таъкидланди. Ҳисоб палатасининг фаолиятини ҳар томонлама ва комплекс таҳлил қилиш, унинг ишларини янада такомиллаштириш бўйича сенаторлар томонидан тавсиялар ҳамда таклифлар ишлаб чиқиш Олий Мажлис Сенатининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ҳисоб палатасининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 16 январда бўлиб ўтган ҳамда 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларига ва 2015 йилдаги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифалар асосида амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг 2014 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисобот ташқи аудитдан ўтказилди ва баҳоланди, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг, давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ҳамда 2016 йилга мўлжалланган солиқ ва бюджет сиёсати асосий йўналишларининг лойиҳаси экспертизадан ўтказилди. Аудит ва экспертизалар натижалари бўйича Вазирлар Маҳкамасига Ҳисоб палатасининг тегишли хулосалари киритилди.

Ҳисобот йилида Ҳисоб палатаси томонидан мамлакатнинг 90 та муассасасида 30 та назорат йўналиши бўйича назорат тадбирлари ўтказилди.

Мамлакатнинг айрим минтақаларида биргаликда олиб борилган текширувлар натижалари бўйича маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кўпайтириш ва харажатларини мақбуллаштириш юзасидан қўшимча захиралар белгилаб олинди, шунингдек, давлат дастурларини рўёбга чиқариш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларга баҳо берилди.

Назорат тадбирлари якунларига кўра текширилган вазирликлар ва идоралар манзилига Ҳисоб палатасининг 28 та кўрсатмаси юборилди. Ушбу кўрсатмалар текширув давомида аниқланган қонун ҳужжатлари бузилишини бартараф этишга доир тадбирлар рўйхатидан, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришга доир таклифлардан иборат. Ҳисобот даврида кўрилган чора-тадбирлар натижасида 75,9 миллиард сўм давлат фойдасига ундирилди.

Ҳисоботни муҳокама этиш чоғида сенаторлар Ҳисоб палатасининг назорат тадбирларини кучайтириш ва самарадорлигини оширишга, молиявий ҳуқуқбузарликларни камайтириш бўйича зарур чора-тадбирлар кўришга ҳамда келажакда уларнинг олдини олишга қаратилган ўз тавсияларини берди. Давлат бюджети ижро этилиши устидан парламент назоратини амалга ошириш соҳасида Ҳисоб палатаси ва Олий Мажлис ҳамкорлигини кучайтиришга доир таклифлар ишлаб чиқилди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати бешинчи ялпи мажлисининг биринчи куни ниҳоясига етди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати

ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАРИНИ ОШИРИШДИ

Бектемир тумани ҳокимлигида тадбиркорлик субъектлари иштирокида учрашув ўтказилди. Ҳокимлик мутасаддилари, прокуратура, солиқ инспекцияси ва бошқа мутасадди идоралар вакиллари иштирок этган тадбир тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг фаолиятига ғов бўладиган тўсиқларни бартараф этишга қаратилди.

Тадбирда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётимиз ривожланишининг асосий омили бўлиб, аҳоли турмуши фаровонлигини оширишда етакчи кучга айлангани таъкидлаб ўтилди. Соҳани қўллаб-қувватлаш юзасидан амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида тумандаги корхоналар томонидан рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Учрашувдан кўзланган мақсад давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда 2015 йил 20 августдаги Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга оид қонунининг мазмун-моҳияти ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан кенг тушунчалар беришдан иборат.

Тумандаги мутасадди ташкилотлар томонидан кўрсатилаётган ёрдам тадбиркорларимизнинг барқарор ва мутаносиб ривожланишига, ташқи бозорда ўзининг мустаҳкам ўрнини эгаллашига, шулар асосида изчил иқтисодий ўсиш таъминланишига, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада оширишга замин яратади.

Йиғилишда тадбиркорлик субъектларида учраётган муаммоларни назорат қилувчи орган ва идоралар томонидан тезкорлик билан ҳал этилишини таъминлаш, уларнинг фаолиятини ривожлантиришга ҳар томонлама кўмак бериш каби масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Учрашув доирасида шунингдек, туманда фаолият олиб бораётган бир қатор ишлаб чиқариш субъектларининг маҳсулотлари кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

Абдуалим САЛИМОВ

Фахр

КЕЛАЖАКНИНГ ШОНЛИ ТАРИХИ

Азим Тошкент шаҳрида ўнлаб ажойиб музейлар бор. Бу музейларнинг деярли ҳаммасида бўлганман. Уларда сақланаётган бебаҳо санъат асарлари, нодир китоблар, қимматли экспонатларни ҳайратланиб томоша қилганман. Юртимизнинг шонли тарихига гувоҳ, буюк келажагидан далолат берувчи экспонатларни ҳар сафар кўрганимда қалбимда фахру ифтихор туйғуси жўш уради.

Куни кеча Тошкент Политехника музейини томоша қилиш имкониятига эга бўлдим. Музейнинг маҳобатли, муҳташам биносини кўриб кўзим қувонди. Уни гўё жавоҳирлар сақланаётган улкан қумуш сандиққа ўхшатдим.

Музейда бундан 4-5 минг йиллар олдин ясалган ғилдирак ва бошқа буюмларни кўриб, кўп ҳикматни англадим. Инсониятнинг бу буюк кашфиёти техника тараққиётининг тамал тоши эмасми? Автомобиль ҳам техниканинг бир мўъжизаси. Дунёда илк бор серияли ишлаб чиқарилган "Форд" ва "Фольксваген" русумли, ўз вақтида катта шов-шувга сабаб бўлган автомобилларнинг нодир намуналарини кўриб завқландим.

Айниқса, жонажон юртимизда муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг эзгу саъй-ҳаракатлари ва жонкуярлиги натижасида барпо қилинган автомобилсозлик саноатига қўйилган илк пойдевордан далолат берувчи тарихий ҳужжатларни, улкан автомобилсозлик заводларимизнинг бежирим макетларини кўриб масрур бўлдим. Ватанимизда ишлаб чиқарилаётган энг замонавий "Нексия", "Спарк", "Малибу" каби енгил автомобилларимиз музейга кўрк бағишлаб, жавоҳирдай жилоланиб турибди. Истиқлол берган иқбол шарофатига шукр қилдим. Мустақиллик йилларида улкан автомобилсозлик заводларимиз барпо қилинди. Бу саноатнинг салоҳияти юксалди. Ютуқларимиздан дунё ҳамжамияти ҳам ҳайратда. Чунки, ўнлаб русумдаги автомобилларимиз чет элга экспорт қилинмоқда. Чет мамлакатларда "Йилнинг энг зўр автомобили" дея эътироф этилмоқда. Бу ютуқларимиз билан ҳар қанча фахру ифтихор этсак арзийди.

Ана шундай оламшумул ютуқларимизни ўзида акс эттирган, дунёга тараннум қилаётган бу музей билан ғурурланишга ҳақлимиз.

Ҳа, бу музей юртдошларимиз, айниқса ёшларнинг билимини бойитишга, маънавиятини юксалтиришга хизмат қилади. Мозий билан бугунги шитоби тез замонни туташтирувчи олтин кўприк вазифасини бажаради. Бағрида жавоҳирлар хазинасини жо қилган бу музей барчада катта таассурот қолдирмоқда.

Шаҳри азимга Тошкент автомобиль йўллари институтида малака оширишга келганман. Коллежда ўқувчиларга "Автомобиллар тузилиши" фанидан сабоқ бераман. Бу ажойиб музейда кўрганларимни мароқ билан ўқувчиларга сўзлаб беришни дилимга тугдим.

Бахтиёр ҲАЛИМОВ,
Навоий вилояти, Нурота қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси

Реклама ўрнида

ORIENT FINANS BANK

ТАДБИРКОРЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Мамлакатимизда тадбиркорликни, хусусан, ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга қаратилаётган ишлар эътиборга моликдир. Яратилаётган шарт-шароитлар, имтиёз ва имкониятлар тадбиркорликнинг ривожланишига замин яратмоқда. Банклар томонидан ажратилаётган имтиёзли кредитлар эса маҳсулот турларини кенгайтириш ва янги иш ўринларининг ташкил қилинишига ҳисса қўшаётир.

Тошкент вилояти Қибрай туманида фаолият олиб бораётган "MUSHTARIY-ORZU" хусусий корхонасига "Orient Finans" хусусий акциядорлик тижорат банкининг Шайхонтоҳур филиали томонидан ажратилган кредит маблағлари корхона ишининг янада ривожланишида самарали бўлди. Кредит маблағлари ҳисобига корхонанинг савдо ва хизмат кўрсатиш ҳажми сезиларли даражада ўсишига эришилди.

– Банклар – тадбиркорларнинг ишончли ҳамкори, – дейди "MUSHTARIY-ORZU" хусусий корхонаси раҳбари Шодия Ҳакимова. – Фаолиятимиз давомида "Orient Finans" хусусий акциядорлик тижорат банкининг Шайхонтоҳур филиали мисолида бунга тўла амин бўлиб келаяпмиз. Корхонамиз аҳолига хизмат кўрсатиш ва чакана савдога ихтисослашган. 2015 йилда банкдан чакана савдо фаолиятини ривожлантириш мақсадида 40 миллион сўмлик узоқ муддатли кредит олдик. Ушбу маблағлар режаларимизни амалга ошириш учун айни муддао бўлди. Келгусида яна "Orient Finans" хусусий акциядорлик тижорат банки Шайхонтоҳур филиалининг молиявий мададига таянамиз.

"Orient Finans" хусусий акциядорлик тижорат банки томонидан ажратилган кредитлар "Floor Products" масъулияти чекланган жамияти фаолиятини ривожлантиришга ҳам катта ҳисса бўлди. Жамият жорий йилда мазкур банкнинг марказий амалиёт филиали билан ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида 66 миллион 384 минг сўмлик кредит шартномаси имзоланди.

Корхонада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, жумладан, томат пасталари ишлаб чиқарилади. Шу билан бирга аҳолига турли хизматлар ҳам кўрсатилади.

– Мамлакатимизда ишбилармон доира вакилларига жуда кўплаб имкониятлар яратилган,– дейди "Floor Products" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Козимжон Исмоилов. – Биз ҳам бу имкониятлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилмоқдамиз. Фаолиятимизни кенгайтириш ва янада яхшилаш мақсадида "Orient Finans" хусусий акциядорлик тижорат банкининг марказий амалиёт филиалига кредит сўраб мурожаат қилган эдик, улар бизни қўллаб юборишди. Ажратилган маблағлар ҳисобига маҳсулотларимиз тури ва миқдори кўпайди. Бир неча янги иш ўринларини ҳам ташкил этдик. Бир сўз билан айтганда ишларимиз анча яхшиланди.

Шундан кўриниб турибдики, банклар томонидан ажратилаётган маблағлар тадбиркорлар фаолиятини ривожлантириш, ёш ишбилармонларнинг ўз бизнесини бошлашига ижобий таъсир қилмоқда.

Абдували СОДИҚОВ

Хизматлар лицензияланган





ЁШЛАРНИ ТУРЛИ ТАҲДИДЛАРДАН АСРАЙЛИК

Пойтахтимиздаги "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги, ички ишлар бўлими, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳарча етакчилар кенгаши ҳамда Тошкент давлат техника университети ҳамкорлигида "Ёшлар ўртасида маънавий бўшлиққа қарши кураш, одам савдоси, диний экстремизм, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш" мавзуларида тадбир ташкил этилди.

Тадбирда ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш, маънавий дунёқарашини бойитиш, уларни дунё саҳнида рўй бераётган, долзарб муаммоларга айланаётган "оммавий маданият" исканжасидан асраш, ёт ғоялар таъсиридан огоҳ этиш долзарб аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

Бугунги глобаллашув ва ахборот алмашинуви асрида ёшларимизни турли ёт ғоялар ва зарарли таъсирлардан асраш асосий вазифага айланиб бормоқда. Ижтимоий тармоқлардаги бузғунчи ғоялар, одам савдоси, гиёҳвандлик, терроризм ва диний экстремизмга қарши кураш бугунги кунда нафақат юртимизда, балки бутун дунёда энг катта муаммога айланаётир. "Оммавий маданият" никоби остида дунёда тарғиб этилаётган ахлоқсизлик, беҳаёлик, зўравонлик ва бузғунчилик каби кўплаб иллатлар она халқимизнинг миллий маданияти, умумбашарий қадриятларига тамоман зид тушунчадир.

– Бугун дунёнинг турли бурчакларида содир бўлаётган салбий ҳодисалар бизни ҳушёрликка, огоҳ яшашга, тинч ва осуда ҳаётимиз қадрига етишга ундайди, – дейди "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси ички ишлар бўлими бошлиғи Шавкат Мирзажонов. – Бу борада талаба-ёшларнинг онгу тафаккурини юксалтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланишга ўргатиш мақсадида турли маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Доимий равишда шаҳарча ҳудудидаги талабалар турар жойларида ички ишлар, прокуратура, соғлиқни сақлаш ходимлари билан давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Тадбирда шаҳарча ҳудудида хавфсизликни таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, талаба-ёшларни огоҳ бўлишга, юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшашга ўргатиш борасида фикр алмашилди.

Азима ҚИЁСОВА



Олий Тўлқинов олган сурат

Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

ҚЎШИМЧА ҲУНАР, МАЗМУНЛИ ҲОРДИҚ

Мамлакатимиздаги замонавий таълим масканлари, спорт мажмуалари, турли тўгараклар ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол бўлиб улғайишига хизмат қилмоқда.

Буни пойтахтимиздаги "Баркамол авлод" республика болалар бадиий ижодиёт маркази фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу ердаги кулолчилик, дурадгорлик, ёғоч ўймакорлиги, бичиш-тикиш, тўқувчилик, пазандалик, заргарлик, либослар дизайни, мусаввирлик, рақс каби 39 тўгаракка 720 дан ортиқ ўғил-қиз қатнайди.

– Марказимизда ўқувчилар дарсдан кейинги бўш вақтларини мазмунли ўтказиши, ўзлари хоҳлаган ҳунармандлик турини ўрганиши учун барча шароит яратилган, – дейди марказ директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Насиба Шомансурова. – Ёшларимиз тўгаракларда билимларини мустаҳкамлаш билан бирга қўшимча ҳунар эгалламоқда. Ўз қизиқиш ва қобилиятини юзага чиқариб, мамлакатимиз ва халқаро миқёсда ўтказилаётган турли танловларда муваффақиятли иштирок этмоқда.

Ёғоч ўймакорлиги тўгарагига қизиқувчи ёшлар кўп. Бугунги кунда элликка яқин ўқувчи моҳир уста Саидкомил Хўжаевдан ушбу ҳунар сирларини ўрганмоқда.

– Ёғоч ўймакорлиги қадимдан ўзига хос санъат тури ҳисобланади, – дейди ЎзА мухбирига С.Хўжаев. – Бир неча аср олдин моҳир усталар томонидан ишланган бинокорлик қисмлари ўзининг нафислиги билан бугун ҳам кишини ҳайратга солади. Ота-боболаримиздан қолган бу санъат сирларини ёшларга ўргатиш – шарафли иш.

Истеъдодли ёшлар ясаган лаган, панно, лавҳ, стулчалар, турли нақшинкор буюмлар тўгарагининг кўргазмалар хонасини безаб турибди. Бу ердаги ёғоч ўймакорлигининг классик намуналари, ўймакорликка оид қимматли фотосуратлар, турли композицион шакллар ва деворий буюмлар ҳунармандликнинг халқимиз асрлар давомида ардоқлаб келаётган санъат тури эканидан далолат беради.

Устахонада ўнга яқин ёш ўймакор устозининг кўрсатмаларига биноан турли буюмлар ясаш билан машғул. Тўққиз ёшли ҳунарманд Абдулла Исматуллаев безакли қутича ясамоқда. Ўймакорлик асбоб-ускуналарини маҳорат билан ишлатаётган ёш ўймакорнинг айтишича, бу ерга келганига икки йил бўлган.

Абдулла 2015 йилда бадиий ижодиёт марказлари ўртасидаги танловнинг "Дурадгорлик" йўналиши бўйича нақшинкор буюмлари билан қатнашиб, мамлакат босқичида йўлланма олди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан "Баркамол авлод" республика болалар бадиий ижодиёт марказлари тўгарак аъзолари ўртасида ўтказилган "Ёш ҳунарманд" республика кўрик-танловида "Ёғоч ўймакорлиги" йўналишида биринчи ўринни қўлга киритди. А.Исматуллаев ясаган буюмлар нафақат танлов ҳайъати, балки санъат ихлосмандларининг ҳам эътирофига сазовор бўлди.

Бундай ижодиёт марказлари мамлакатимизнинг барча ҳудудида фаолият юритмоқда. Ёшлар уларда қўшимча ҳунар ўрганиб, бўш вақтларини мароқли ва унумли ўтказмоқда.

Даврон СУННАТОВ

ФАРЗАНДЛАРИМИЗНИ МАЪНАВИЯТГА ОШНО ЭТАЙЛИК!

Тошкент шаҳар Маънавият ва маърифат Кенгаши 2 апрель – Халқаро болалар китоби куни муносабати билан "Фарзандимга китоб совға қиламан" лойиҳасини ўтказмоқда. Унга кўра барча таълим масканлари ўқувчиларнинг ота-оналарига қуйидаги мазмунда хат юборади.

Ҳурматли ота-оналар!

2 апрель – Халқаро болалар китоби куни муносабати билан анъанавий "Фарзандимга китоб совға қиламан" лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Сизлардан шу куни ўғил-қизларингизга китоблар совға қилишингизни илтимос қиламиз.

Дарвоқе, эзгу мақсадни ўзида мужассам этган мазкур тадбирни Маънавият тарғибот маркази, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси, Халқ таълими бош бошқармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлимлари ҳамкорликда ташкил қиладилар. Азал-азалдан китоб инсоннинг энг яхши дўсти сифатида эътироф этиб келинади. Фарзандларнинг маънавият ва маърифатга ошно бўлиб улғайишига ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Ахборот хизмати

САЛОМАТЛИК – ЭНГ КАТТА БОЙЛИК

Тошкент шаҳар Болалар сил касалликлари сиҳатгоҳида "Бутунжаҳон сил касаллигига қарши кураш куни" муносабати билан Тошкент шаҳар Саломатлик ва тиббий статистика институти ва шаҳар силга қарши курашиш диспансери билан ҳамкорликда маданий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Тадбирда Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонасидан вакиллар, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармасидан мутасадди ходимлар ва малакали фтизиаторлар иштирок этиб, сил касаллигининг хавфли ва юқумли эканлигини ҳамда бу касаллик нафақат одамдан одамга, балки хаста ҳайвонлардан ҳам юқиши мумкинлигини таъкидлаб ўтишди.

— Сил касаллиги болаларда клиник кечиши бўйича катталарникидан фарқ қилади. Улар касалликнинг бошланғич даврида йўталмайди, иссиғи чиқмайди. Ёш организмда безлар сирли ривожланади, — дейди Тошкент шаҳар Болалар сил касалликлари сиҳатгоҳининг бош шифокори Шарофат Раҳимова. — Болаларда касаллик белгилари яққол бўлмаганлиги сабабли мазкур касалликни аниқлаш ва даволаш жараёни мураккаброқдир. Даставвал болалар хулқ-атворида ўзгаришлар, тажанглик, кам ҳаракатланиш, иштаҳа йўқолиш, тез чарчаб қолиши кузатилиб, кейинчалик тана ҳароратининг бироз кўтарилиши, боланинг аста-секин вазн йўқотиш, лимфа тугунларининг катталашуви кузатилади. Бу белгилар бошқа касалликларда ҳам учраганлиги туфайли, болалар бошқа соҳа шифокорларида узоқ даволаниб юрадилар.

Дарвоқе, ҳар бир ота-она ўзи ва фарзандини шифокор кўригидан белгиланган вақтда ўтказиб турса мақсадга мувофиқ бўлади. Саломатлик — энг катта бойликдир. Уни асрашимиз ва қадрига етишимиз керак. Қолаверса, давлатимиз раҳбари томонидан жорий йилнинг "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилингани ҳам бежиз эмас. Она ва бола соғлом экан, юртимиз келажаги порлоқ бўлади.

Шунингдек, тадбирда мазкур сиҳатгоҳда даволанаётган ёшлар ўртасида асфальтга расм чизиш кўрик-танлови ҳамда викториналар ҳам ўтказилди.

Эстрада хонандаларининг куй ва қўшиқлари тадбирга келган барча иштирокчиларга янада кўтаринки кайфият улашди.

Зафар НАЗАРОВ

Маълумотларга кўра, ер шарининг 71 фоизи сув билан қопланган бўлсада, унинг атиги 2 фоизи истеъмолга яроқли экан. Устига устак сўнгги 40 йил мобайнида жаҳонда киши бошига тўғри келадиган чучук сув миқдори 60 фоизга камайган. Шу боис ҳам бутун дунёда оби ҳаётдан тежаб-тергаб фойдаланиш масаласига жиддий эътибор қаратилган.

Коммунал тўловлар: бурч ва масъулият

ҲИСОБЛИ ДЎСТ АЙРИЛМАС

Биз бежизга мақоламизни юқоридаги фикрлар билан бошламадик. Чунки ҳар биримиз истеъмолчи сифатида табиатнинг бебаҳо неъматлари бўлмиш сув, табиий газ, электр энергияси каби қатор ресурслардан фойдаланамиз, айнан таъкидламоқчимиз, кўпинча "керагича", "исрофгарчиликка йўл қўймасдан" эмас, ўзимиз хоҳлаганча... Турмушимизга чуқур сингиб кетган ва ҳаётимиз фаровонлигини таъминлашда муҳим омил бўлган ушбу неъматлар соҳа ходимларининг заҳматли меҳнати ва катта маблағлар эвазига етказиб берилаётганига эътибор ҳам қаратмаган ҳолда фойдаланишда давом этамиз.

Шундай экан, сизу бизга беминнат етказиб берилаётган ушбу неъматларнинг қадрига етишимиз, исрофгарчиликка йўл қўймасдан, тежамкорлик билан фойдаланиб, шунинг баробарида эҳтиёжимиз учун сув ва ҳаводек зарур бўлган хизматлар учун вақтида тўловни амалга оширишимиз керак эмасми? "Аччиқни-аччиқ кесади" деганларидек, биз бугун яна қарздорлик масаласига қайтдик. Мақсадимиз табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш лозимлигини кенг жамоатчиликка етказиш, қўйингки ҳар бир инсоннинг эътиборини ушбу масалага қаратишдан иборат.

Қўлимизда мутасадди ташкилотлар томонидан юборилган маълумотлар. **"Сувсоз" давлат унитар корхонасининг** маълумотларида афсуски, қарздорлар сафи камаймагани кўрсатилган. Улар билан танишинг: Мирзо Улуғбек тумани, Феруза даҳаси, 52-уй, 32-хонадондан С.Муҳамедова — 1 469 600, Учтепа тумани, Тақачи кўчаси, 50-уй, 41-хонадондан Н.Аҳмедов — 1 067 700, Учтепа тумани, Тақачи кўчаси, 32-уй, 40-хонадондан Ўлмасов — 624 300, Юнусобод тумани, Шуроб кўчаси, 20-уйдан А.Аширов — 834 500, Яшнобод тумани, Қорасув кўчаси, 3А-уй, 34-хонадондан И.Садиковаларнинг қарзлари — 198 000 сўмга етган.

"Тошиссиққуввати" ИЧБ УКси ҳам шаҳар аҳолисига иссиқлик ва иссиқ сув таъминотини бекаму кўст етказиб бериб, намунали хизмат кўрсатиб келмоқда. Аҳолига иссиқлик ва иссиқ сув етказиб бериш хизматлари учун ойнинг 10 кунига қадар ўтган ойнинг тўловларини кечиктирмай амалга ошириш талаби қўйилган. Бироқ, аҳоли орасида, кўрсатилган хизматлар бўйича ўз мажбуриятларини бажармай, унга совуққонлик билан қаровчилар ҳам топилмоқда. Дебитор қарздорликни ундириш мақсадида "Тошиссиққуввати" ИЧБ УКси ва "Иссиқлик тарқатиш" бошқармасининг масъул ходимлари томонидан аҳоли билан мунтазам равишда тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Коммунал хизматлардан фойдаланиб, бунинг учун ўз вақтида тўловларни амалга ошириш ҳар бир истеъмолчининг бурчи эканлиги айтилмоқда. Ушбу ҳаракатларга қарамай, аҳолининг бефарқлиги туфайли ҳанузгача катта миқдордаги дебитор қарздорлиги мавжуд.

Мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, Учтепа тумани, 26-мавзе, 18-уй, 23-хонадондан Г.Якубова — 5 786 45, 13-мавзе, 35-уй, 18-хонадондан К.Исаков — 4 465 23, 13-мавзе, 7-уй, 58-хонадондан Ш.Утамуродова — 3 524 56, Чилонзор тумани 24-мавзе, 17-уй, 15-хонадондан У.Содиқов — 5 681 96, Чилонзор тумани, 1-мавзе, 55-уй, 21-хонадондан И.Буриевнинг қарзлари — 4 371 40 сўмга етганини қандай изоҳлаш мумкин.

Халқимизда "Чироғинг ҳамиша ёнсин" деган нақл бор. Уни умр чироғинг, уйингнинг чироғи ёниб турсин, дея фақат ижобий маънода тушунамиз. Бу ҳам тўғри. Лекин ишдан, ўқишдан чарчаб уйга келганингизда чарақлаб ёниб турадиган, қалбингизни нурафшон этадиган чироқ ўчиб қолган бўлса-чи? Уйда ҳам, кўчада ҳам чироқ ёнмаса таъбингиз хира бўлиб, тезроқ унинг чорасини излаб қоласиз. Тўғри эмасми?

Тизимнинг бенуқсон ишлаши учун мутасаддилар имконият даражасида иш олиб бормоқдалар. Аммо танганинг иккинчи томонида истеъмолчи сифатида сизу бизнинг ҳам масъулиятимиз турибди. Ишлатилган электр энергияси учун вақтида ҳақ тўламасак барча қилинаётган саъй-ҳаракатлар кутилган натижани бермаслиги кундай равшанку. Худди шу мавзуда **"Toshshah ETK" AJ** томонидан берилган маълумотга кўра қуйидаги истеъмолчилар катта қарзлари бўла туриб қандай хотиржам юрган эканлар, деб ўйлаб қолдик.

Масалан: Миробод тумани, Қўйлиқ-3 мавзеси, 34-уй, 58-хонадондан Э.Ибраимжонова — 2 194 000 сўм, Шайхонтоҳур тумани, Қизил ғунча 4-тор кўчаси, 93-хонадондан И.Икромов — 1 027 000, Сергели тумани, Сергели 5-даҳаси, 49-уй, 1-хонадондан З.Ходжимуҳамедов — 1 669 145 сўм, Чилонзор тумани, Иқтисод 1-тор кўчаси, 11-хонадондан К.Алимов — 360 000 сўм, Юнусобод тумани, Бодомзор 8-тор кўчаси, 33-хонадондан М.Маҳкамованинг қарздорлиги — 14 342 000 сўмга етган.

Бугун юртимизнинг қай бир гўшасини олманг хоҳ у шаҳар, хоҳ қишлоқ бўлсин ўзингизни улкан бунёдкорлик майдонида юргандек ҳис этасиз. Кун сайин кўкка бўй чўзаётган бинолар, кўприклар, кенг ва равон йўлларга ҳавасингиз келади. Мана шу ободлигу озодалик, саранжом-саришталик ишларига **"Махсустранс" давлат ишлаб чиқариш бошқармаси** ўз ҳиссасини қўшмаса, тасаввур қилинг, қандай ҳолат юзага келади. Ахир шаҳримиз маҳаллалари, кўп қаватли уйлар атрофида белгиланган жойларга қурилган чиқиндиларни йиғиш майдончаларидан чиқиндилар вақтида олиб кетилмаса мана шундай озодалик, тозаликка эриша оламизми? Уйимиздан кундалик тушадиган чиқиндилар олиб чиқиб ташланмаса, таъбимиз хира бўлади, эртами-кечми ўғил ёки қизимизга "ғизиллаб" ташлаб келишни буюрамиз. Хизмат ҳақини тўлашингиз керак деб эшик қоққан "Махсустранс" ходимига эса, эртага келинг, индинга келинг деб галга соламиз ёки йил охиригача тўласам бўлдими, деб дўқ ҳам уриб қўямиз. Мана, икки йилдан бери қарздорлигини тан олишни истамаётган айрим хонадон соҳиблари билан танишиб қўйинг:

Яшнобод тумани, Табассум кўчаси, 13-уй, 1-хонадондан А.Ирашева — 782 552 сўм, М.Улуғбек тумани, Қорасув-1 мавзеси, 14-уй, 45-хонадондан Х.Арифджанова — 748 800 сўм, Яккасарой тумани, 3-тор Б.Ҳилолий кўчаси, 68-уйдан Аҳмедов — 333 000 сўм, Учтепа тумани, 31-мавзе, 43-уй, 14-хонадондан Б.Норметов — 321 600, Сергели тумани, Сергели-7 мавзеси, 6-уй, 36-хонадондан С.Разаковаларнинг қарзи — 334 000 сўмга етган.

Худди мана шундай фикрларни усиз чойимиз вақтида қайнаб, ош-овқатимиз пишиши гумон бўлган "зангори олов" масаласида ҳам айтишимиз мумкин. Афсуски, бугун шаҳримизда газдан қарздорлар кўпчиликни ташкил этмоқда. **"TOSHKENTGAZTA`MINOT" унитар корхонаси "TOSHKENTSHAHARGAZ" филиалидан** олган маълумотлар асосида мисолларга мурожаат этамиз. Биргина Шайхонтоҳур туманидан: Дарвоза тор кўчаси, 4-уйдан Д.Аҳмедова — 5 061 081 сўм, С.Хўжаев кўчаси, 11/2-уйдан К.Масобирова — 5 309 020 сўм, Шохидонтепа кўчаси, 45-уйдан Б.Мираҳмедов — 7 869 600 сўм, Дарвоза тор кўчаси, 20-уйдан О.Якубовнинг — 5 562 000 сўм, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 36-уйдан М.Умаровнинг қарздорлиги — 6 802 562 сўмга етганда ҳам унинг тўланмаслиги тушунарсиз ҳолат.

Қарздорлар, марҳамат қилиб коммунал тўловларини вақтида тўлаб қўйинг! Шунда енгил тортасиз...

Шаҳризода МУҲСИМОВА

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 2 апрель *куни ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғиши мумкин. Шарқдан ғарбга томон секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси – 8-10, кундузи – 13-15 даража иссиқ бўлади.*

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, ***2 апрелда*** *Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Реклама ўрнида

IPOTEKA BANK



Мамлакатимиздаги тижорат банкларини такомиллаштириш аввало, улар фаолиятида устувор ислоҳотларнинг уйғунлашувини таъминлаш, қолаверса, халқимиз учун муносиб ҳаёт даражасини яратиб бериш ҳамиша энг муҳим масалалардан бири бўлиб қолаверади. Олиб борилаётган ислоҳотларнинг туб негизида инсон манфаатларини олий қадрият тарзида ардоқланиб, аҳоли фаровон турмуш тарзини таъминлаш, жамият тараққиётини юксалтириш каби эзгу мақсадларнинг мужассамлиги кўнглимизда эртанги кунга бўлган мустаҳкам ишонч туйғусини уйғотиши шубҳасиз.

САРМОЯЛАРНИНГ АМАЛИЙ НАТИЖАЛАРИ

Юртимиздаги қатор молиявий муассасалар орасида ўзининг нуфузли мақомига эга “Ипотека-банк” АТИБ фаолиятида ҳам одилона ва оқилона юритилаётган молия-кредит сиёсати жойларда ўзининг амалий натижасини кўрсатмоқда. Банк томонидан йўналтирилаётган сармоялар ишлаб чиқаришнинг турли жабҳаларини бирдек қамраб олган ҳолда қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда. Банкка мурожаат қилган ҳар бир мижоз манфаатлари ғоя, ўй-ташвиши-ю, ҳаракатлари билан яқиндан танишиб керакли банк хизматларини кўрсатиш ва йўл-йўриқлар беришда ҳам мазкур молиявий муассаса илдамликни қўлдан бермай келмоқда. “Ипотека-банк” томонидан иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилаётган 42,7 трлн. сўмдан ортиб кетмоқда. Банк-молия тизимида ўтказилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг амалдаги инъикоси сифатида “Ипотека-банк” яратаётган қулайликлар, кредит ажратишнинг пухта, очиқ, ошкора механизми ишлаб чиқилгани мижозлар манфаатини тўлалигича ўзида ифода этиб келмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш банк фаолиятининг бош мезонларидан биридир.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 11 майдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ижроси доирасида мазкур соҳа вакилларига 2015 йил якунига кўра “Ипотека-банк” томонидан 861 млрд. сўм миқдорида сармоя ажратилди. Бу орқали юртимизда аввалари тақчил ҳисобланган озиқ ва ноозиқ овқат маҳсулотлар билан ички бозорни тўлдириб, рақобатбардош импорт ўрнини босувчи ҳамда экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, янги замонавий шарт-шароитларга эга иш ўринларини яратиш каби эзгу мақсадларни рўёбга чиқариш учун хизмат қилмоқда.

Беҳзод Абидов, “Lamak biznes” МЧЖ раҳбари:

— Давлатимиз томонидан биз ёшларга кўрсатилаётган эътибор яратилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда мен ҳам ўз бизнес лойиҳам билан “Ипотека-банк”нинг Тошкент вилоят амалиёт бўлимига мурожаат қилган эдим. Банк ходимлари лойиҳамни тез фурсатларда кўриб чиқиб Эронда ишлаб чиқарилган қандолат маҳсулотларини бир неча хил турларини тайёрлашга мўлжалланган жиҳозларни сотиб олишимиз учун 90 млн. сўм миқдорида кредит ажратди. Ҳозирда бизнинг чиқараётган маҳсулотларимиз ўзининг чиройли қадоқлари билан дўкон ва бозорларимиз пештахталарини тўлдириб турибди. Кунига 100 кг. га яқин қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарамиз.

Шунингдек, фаолиятимиз кўламини кенгайтириб корхонамиз қошида парранда гўшти ва тухумни қайта ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Бу соҳани етти хазинанинг бири деб бекорга айтишмаган экан. Соғлиғимиз учун жуда фойдали табиий тоза маҳсулотлардан ҳисобланган бедана тухуми ва гўштини ҳам кенг кўламда етиштириб бермоқдамиз. Ушбу фаолият шаклланиши баробарида 3 та янги иш ўрни яратилди. Бир кеча-кундузда 10 минг дона бедана тухуми ва мавсумга қараб бедана гўштини етказиб берамиз. Ҳозирда ўзим қатори тенгдошларимни ҳам ушбу фаолиятга жалб қилдим. Халқимиз дастурхонига сифатли маҳсулотлар етказиб беришга баҳоли қудрат ўз ҳиссамизни қўшиб келмоқдамиз. “Ипотека-банк” билан молиявий ҳамкорлигимиз бардавом бўлсин.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 1 августдаги “2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори ижроси доирасида давлатимиз томонидан аҳоли саломатлигини яхшилашга доир қатор чора-тадбирлар тизимли равишда амалга оширилмоқда.

Ушбу соҳада амалга оширилаётган хайрли ишларнинг узвий давоми сифатида 2016 йилни ҳам бевосита “Соғлом она ва бола йили” деб номлангани бежиз эмас. Мазкур дастур доирасида ўтказилаётган ишлар орасида алоҳида маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мослашган бир қанча корхоналар юзага келди.

Мисол тариқасида асосан озуқага биологик фаол қўшимча, юмшоқ желатинли капсула шаклидаги дори воситаларини ишлаб чиқаришга мослашган “Ипотека-банк”нинг доимий мижозларидан ҳисобланган **“Лекентер капс” фирмаси раҳбари Убайдулла Алиев** фикрларига қулоқ тутсак:

— Биз ишлаб чиқаришни айнан дори-дармон маҳсулотларидан бошладик, чунки кейинги пайтларда ушбу тармоқ кескин ўзгаришларга бойлиги билан ажралиб турмоқда. Маҳсулотларимизнинг барча турларидан кекса-ю ёш бирдек баҳраманд бўлмоқда. Замонавий шарт-шароитларга эга корхонамизда 30 га яқин ишчи меҳнат қилади. Йилига 38 млн. дона дори воситалари ва озуқага биологик фаол қўшимча воситалари, аниқроқ айтадиган бўлсак 700 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарамиз. Биоминералларга бой, соғлиғимиз учун жуда фойдали бўлган маҳсулотларимизнинг тарқалиш нуқталарини кенгайтиришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. 2010 йилдан буён “Ипотека-банк”нинг Олмазор филиали билан мунтазам ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Озуқага биологик фаол қўшимчаларни тайёрлашга мўлжалланган қўшимча асбоб-ускуналарни сотиб олиш мақсадида “Ипотека-банк”ига бизнес лойиҳамизни тақдим қилганимизда улар ижобий жавоб қайтаришди. Тез фурсатларда 500 млн. сўм миқдоридаги йирик сармояни қўлга киритиш орқали ривожланиш кўрсаткичларимиз мутлақо янги поғонага кўтарилди. Ишлаб чиқариш кўрсаткичларимиз яхшиланиши баробарида касб-ҳунар коллежи битирувчилари учун иш ўринлари яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келмоқдамиз. Ҳозирда 15 нафар шундай ёшлар доимий, даромади барқарор иш ўрнига эга. Яратилаётган чексиз имконият ва имтиёзлар эндиликда нафақат ички бозорда, балки ташқи бозорда ҳам эркин ҳаракатланиш томон ундамоқда.

Бугунги кун тадбиркордан изланувчанлик, ташаббускорлик билан бир қаторда ички ва ташқи бозор имкониятларини атрофлича ўрганишни ҳам талаб қилмоқда. Бизнеснинг асосий шарти, бу бир жойда қотиб қолмаслик, тинимсиз янгиликларга интилишдир. Юртбошимизнинг тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий эркинлигини таъминлаш борасида 2014 йил 4 ноябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қароридан келиб чиқиб, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратиш, уларнинг моддий ва кредит ресурсларидан фойдаланишини кенгайтириш, бизнес муҳитни яхшилаш юзасидан “Ипотека-банк” томонидан амалга оширилаётган ишлар айниқса аҳамиятли.

Комила Носирова, “Комби Восток” масъулияти чекланган жамият раҳбари:

— Фаолиятимизни бошлаганимизга мана 10 йилдан ошибдики, молиявий таъминот масаласида етакчи молиявий ташкилотлардан бири бўлмиш “Ипотека-банк”нинг Сергели филиали сармояларидан унумли фойдаланиб келмоқдамиз. Юртимиздаги мавжуд хом-ашёдан оқилона фойдаланиб, жаҳон андозаларига мос маҳсулотлари билан бозорларимизни жадал эгаллаб бораётган ҳамюртларимиз ҳам кўпчиликни ташкил қилмоқда. Мен ҳам ўзимни шундай тадбиркорлар қаторидаман деб айта оламан. Унчалик катта бўлмаган корхонамиз парфюмерия, косметика маҳсулотларини ишлаб чиқаришга мослашган. Биз асосан хом-ашёнинг 60 фоизини маҳаллий фирмалардан оладиган бўлсак, қолган қисмини Германия, Туркиянинг етакчи корхоналарида тайёрланаётган ярим тайёр маҳсулотлардан фойдаланамиз. Қувонарлиси, жамоамиз билан ҳамжиҳатликда астойдил меҳнат қилганлигимиз боис, ишларимиз аста-секин ўз самарасини бера бошлади. Ишчиларимизнинг турдош корхоналарда тажриба ошириши масаласига алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Бизда тайёрланаётган баъзи бир маҳсулотимизнинг алоҳида турлари Ўрта Осиёда ҳам ягона ҳисобланади. Корхонамизда ҳафтасига 250-300 млн. сўмлик парфюмерия маҳсулотлари тайёрланадиган бўлса, шундан 60 фоизи МДҲ давлатларига экспорт қилинади. Ҳозирда 40 дан ортиқ одам доимий иш билан таъминланган. Биз ҳар доим тадбиркорлик фаолиятимизга ёшларни мунтазам жалб қилишга алоҳида эътибор қаратамиз. Шу боис ишчиларимизнинг 10 нафари коллеж битирувчиси. Шу яқин кунларда иш кўламини кенгайтириш баробарида “Ипотека-банк”нинг Сергели филиалидан 1 млрд. сўм миқдорида сармоя эвазига янги заводни ишга тушириш арафасидамиз. Ўйлайманки, биз каби бизнес оламига шиддат билан кириб бораётган тадбиркорларга “Ипотека-банк” мустаҳкам таянч вазифасини ўтайди, — дея таъкидлади суҳбатдошимиз сўнгсўз ўрнида.

Бугунги кунда нафақат ишлаб чиқариш маҳсулотларига бўлган талаб ортиб бориш билан бирга турли хизматлар бозори ҳам шаклланиб бормоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 28 ноябрдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, республикада юксак жаҳон талаблари даражасидаги юқори технологияли ихтисослаштирилган тиббий марказларни шакллантириш, илғор тиббий технологияларни кенг жорий этишнинг ташкилий, молиявий-иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларини вужудга келтириш мақсадида молия муассасалари томонидан ушбу соҳага ҳам салмоқли маблағлар йўналтирилмоқда.

Республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини самарадорлигини оширишда қолаверса, қабул қилинаётган қарор ва фармонларнинг жойларда изчил ижросини таъминлашда молия муассасаларининг ўрни беқиёс. “Ипотека-банк” томонидан мустаҳкам молиявий пойдеворга эга корхоналардан тортиб то ихчамгина, эндигина оёққа туриб ўз ишини бошлаётган тадбиркорлар тақдим этаётган бизнес лойиҳалар ҳам ҳар томонлама ўрганиб чиқилиб, қўллаб-қувватланиш баробарида ҳам, қонуний кафолатланаётгани эндиликда ишбилармонларимизга нафақат эркин ҳаракатланиш, балки ўз маҳсулотлари билан дунё бозорларига илдам қадамлар билан кириб бориш имконияти яратилмоқда.

Ҳасан Ганиханов, “Greenplastmed” МЧЖ раҳбари:

— Даставвал биз ўз фаолиятимизни ташкил қилишда ички бозорда талаб катта бўлган маҳсулотларнинг турлари билан танишишдан бошладик. Шунга кўра бизнинг корхонамиз асосан ҳозирда талаб ниҳоятда кўп бўлган санитария-гигиена воситалари — бахила, полиэтилен қалпоқчалар, бир марталик ишлатиладиган қўлқоплар ва халатлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Фаолиятимизни ташкил қилишда 2013 йил “Ипотека-банк”нинг Яккасарой филиалидан олган 150 млн. сўм миқдоридаги молиявий кўмакка таяндик. 2015 йилда Хитойда ишлаб чиқарилган асбоб-ускуналар сотиб олиш учун яна мурожаат қилганимизда банк томонидан ажратилган 200 млн. сўм миқдордаги сармояга эга бўлдик. Ҳозирда юртимизнинг деярли барча касалхоналарида ва умумий овқатланиш муассасаларида ва боғча, мактабларда, қолаверса жамоат жойларида санитария-гигиена ҳолатларини яхшилашда маҳсулотларимизнинг ҳамма турларидан кенг кўламда фойдаланишмоқда. Корхонамизда 10 дан ортиқ киши меҳнат қилади. Инновацион технология ютуқларини амалда кенг татбиқ этиш орқали маҳсулотларимиз турларини кўпайтириб, уларни ишлатишда қулайлигини ҳам таъминлашга эътибор бераяпмиз. Ишбилармонлар фаолиятини баҳоловчи қатор сертификатларни қўлга киритдик. Маҳсулотларимизни ишлаб чиқаришда инсон саломатлиги учун хавфсиз, экологик тоза хом-ашёдан фойдаланишга ҳаракат қилмоқдамиз. “Ипотека-банк” АТИБнинг Яккасарой филиали билан молиявий ҳамкорликни давом эттирган ҳолда янги иш ўринлари яратамиз, қолаверса ташқи бозорда ўзимизнинг муносиб ўрнимизни топамиз деб ўйлайман. Келажакда режаларимиз улкан. Банк томонидан биз каби ёшларга яратилаётган қатор қулайликлардан ниҳоятда мамнунмиз ва бунга жавобан биз ҳам ўз ташаббускорлигимиз билан мамлакатимиз равнақига муносиб ҳисса қўшамиз деган умиддамиз.

“Ипотека-банк” томонидан жалб этилаётган сармоялар миқдорининг юқорилиги мамлакатимизда иқтисодиётни ривожлантириш билан бирга, ишбилармон юртдошларимиз учун янги имкониятлар эшигини очмоқда. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, тадбиркор ва кичик бизнес вакилларининг аҳолини иш билан таъминлашдек ҳам хайрли, ҳам муҳим масаланинг ижобий ҳал бўлишида ўрни беқиёс.

Банк матбуот хизмати

Хизматлар лицензияланган

ОБОДОНЛАШТИРИШ ОЙЛИГИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!

Кўклам — она табиатнинг бетакрор мўъжизаси. Шу боис унинг ҳар бир кунини ғанимат билайлик. Мевали ва манзарали дарахт кўчатларини экиш, атрофни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш баҳорий мавсумнинг асосий вазифаларидан бири эканини унутмайлик!

Ободонлаштириш ойлигида фаол иштирок этайлик! Шаҳримизнинг янада гўзал ва обод бўлишига ўз ҳиссамизни қўшайлик!



ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

ДУШАНБА, 4

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 “Ассалом, Ўзбекистон!”
7.00 Миллий сериал: “Орзулар фасли”.
7.35 “Кўнгил ободлиги”.
7.55 “Иқлим”.
8.00 “Таҳлилнома”.
8.40 Миллий сериал: “Қадирғочлар яна қайтади”.
9.10 “Табиат ҳодисалари”. Ҳ/ф.
9.25 “Иқлим”.
9.35 2016 йил – “Соғлом она ва бола йили”. “Нурли ришталар”.
9.55 “Менинг боғим”.
10.15 “Ватанпарвар”.
11.00 “Ахборот”.
11.10 “Тадбиркорлар телеклуби”. Ток-шоу.
11.50 “Иқлим”.
12.00 “Ассалом, Ўзбекистон!”
13.00 “Билимдон”. Интеллектуал танлов.
14.00 “Ахборот”.
14.15 “Ҳидоят сари”.
14.45 Миллий сериал: “Муҳаббатим – қисматим”.
15.25 “Бизнес старт”.
15.50 “Иқлим”.
16.00 “Эл тинчлиги йўлида”.
17.00 “Ахборот”.
17.10 “Қорачиқ”.
17.30 “Суҳбатдош”.
17.45 “Монк”. Т/с.
18.30 “Имконият”.
18.50 Миллий сериал: “Опа-сингиллар”.
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 “Ахборот” /рус/.
20.05 “Севги сароблари”. Т/с.
21.00 “Ахборот”.
21.40 “Муносабат”.
22.25 – 23.50 “Юлдуз билан учрашув”. Б/ф.
23.50 Миллий сериал: “Опа-сингиллар”.
00.30 “Бизнес старт”.
00.55 “Иқлим”.
1.00 “Ахборот” /рус/.
1.30 “Ассалом, Ўзбекистон!”
2.30 “Билимдон”. Интеллектуал танлов.
3.30 “Кўнгил ободлиги”.
3.50 “Шарқ тароналари”.
4.00 “Ахборот”.
4.40 Миллий сериал: “Қалдирғочлар яна қайтади”.
5.10 – 5.55 “Ватанпарвар”.

Ёшлар

6.00 “Ватан меҳри”.
6.10 “Афсона ва ҳақиқат”.
7.00 “Табиб”. Т/с.
7.50 “Фан ва ёшлар”.
8.30 “Қасоскор хоним”. Т/с.
9.30 “Соғлом ҳаёт”.
9.50 “UzEX”.
10.00 “Камолот-инфо”.
10.10 “Келин”. Т/с.
11.00 “Навоий хазинаси”.
12.00 “Пазанда”. Т/с.
12.50 “UzEX”.
13.00 “Давр”.
13.10 “Пахмоқ ота”. Б/ф.
14.40 “Зар ёмғир”.
15.50 “UzEX”.
16.00 “Давр”.
16.10 “Бир қадам”. Т/с.
17.10 “Имкон-шоу”.
17.50 “Огоҳ бўлайлик!”
18.00 “Вельвет галереяси”. Т/с. 2-фасл.
18.50 “Амир Темур”.
19.00 “Давр”.
19.30 “Келин”. Т/с.
20.20 “Нуқтаи назар”.
21.00 “Пазанда”. Т/с.
21.50 “Телетуҳфа”.
22.00 “Давр”.
22.30 “Вельвет галереяси”. Т/с. 2-фасл.
23.20 “Афсона ва ҳақиқат”.
00.10 “Шарқ гавҳари”.
3.50 “Табиат қўшиғи”.
5.30 – 6.00 “Давр”.

Тошкент

5.55 “Ягонасан, муқаддас Ватаним!”
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00. “Poytaxt”.
6.20 Миллий сериал: “Сабр”.
6.55 “Тошкент вақти”.
9.10 “Севгим менинг – андуҳим менинг”. Т/с.
9.50 “Poytaxt-sport”.
10.15 “Элиза”. Т/с.
11.15 “Обод хонадон”.
11.45 “Пойтахт-культура”.
12.15 Миллий сериал: “Сабр”.
12.50 “Poytaxt-Hi-tech”.
13.15 “Телетаҳлил”.
13.45 “Poytaxt-reportaj”.
14.10 “Тошкент вақти”.
15.10 “Танҳо малагим”. Т/с.
15.50 “Poytaxt-sport”.
16.15 “Қочоқлар”. Б/ф.
18.20 “Пойтахт-авто”.
18.30 “Ҳимоя”.
18.50 “Poytaxt-intervyu”.
19.00 “Телемаркет”.
19.15 “Севгим менинг – андуҳим менинг”. Т/с. /Премьера/.
20.20 “Танҳо малагим”. Т/с. /Премьера/.
21.00 “Очиқ мулоқот”дан сўнг”.
21.20 “Сифат назорати”.
21.45 “Телемаркет”.
22.20 “Стажер”. Х/ф.
00.05 “Пойтахт-культура”.
00.15 “Ҳикматли дунё”. “Сароб”.
1.00 “Poytaxt-eko”.
1.10 “Бахт кўрғони”.
1.45 “Poytaxt-reportaj”.
2.10 “Очиқ мулоқот”дан сўнг”.
2.35 “Мен сизга айтсам”.
3.35 “Эртамиз эгалари”.
3.55 – 5.55 “Тошкент вақти”.

Спорт

6.00 “Хайрли тонг!”
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 “Қорақалпоқ спорти”.
6.30 “Орзулар кемаси”.
7.00 “Sport online”.
8.00 Талқин.
8.35 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. 3-тур. “Навбаҳор” (Наманган) – “Сўғдиёна” (Жиззах).
10.25 “Эътироф”.
10.40 Дзюдо. Гран-при турнири.
11.50 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 “Sport online”.
13.05 Велоспорт.
14.00 Хабарлар.
14.25 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. 3-тур. “Металлург” (Бекобод) – “Шўртан” (Ғузор).
16.15 Теннис.
17.30 “Спорт сабоқлари”.
17.50 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 “Спорт сайёраси”.
18.15 “Техноспорт”.
18.30 Хабарлар.
18.55 “Болалар спорти”.
19.20 От спорти. Халқаро турнир.
20.25 “Спорт-маркет”.
20.30 Хабарлар.
20.55 “ФИФА”. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
22.20 Дзюдо. Гран-при турнири.
23.20 Профессионал бокс.
00.05 Интерфутбол.
1.50 Хабарлар.
2.15 От спорти. Халқаро турнир.
3.25 “Техноспорт”.
3.40 Дзюдо. Гран-при турнири.
4.50 – 6.00 Теннис.

Маҳалла

6.00 “Ватан мадҳи”.
6.05 Миллий сериал. “Ўзи уйланмаган совчи”.
6.35 “Ораста бекажон”.
7.00 Миллий кино. “Сабр”.
8.15 “Соғлом турмуш”.
8.45 “7 кун нафаси”.
9.00 “Оқ булут”. Қисқа метражли фильм.
9.20 “TV анонс”.
9.25 “Йўлга чиқдик”.
9.55 “Фотокўзгу”.
10.00 “Маҳалламиз спортчилари”.
10.50 “Эзгу сўз, эзгу амал”. Ток-шоу.
11.35 “Илм қудрати”.
12.00 “TV анонс”.
12.05 “Мўъжаз Ватан”.
12.30 “Истеъдод”.
12.55 Кун нафаси.
13.00 Миллий кино. “Насриддиннинг саргузаштлари”.
14.15 “Кўнгилдаги гаплар”.
15.00 Миллий сериал. “Умидингни сўндирма”.
15.35 “Турфа маслаҳат”.
15.55 Кун нафаси.
16.00 Миллий сериал. “Жийда гули”.
16.30 “Фермер”.
16.55 “TV анонс”.
17.00 “Ихтиро”.
17.25 “Фотокўзгу”.
17.30 “Очиқ дарс”.
17.55 “Кун нафаси”.
18.00 “Менинг маҳаллам”.
18.30 “Қадр топган қадриятлар”.
19.00 Миллий сериал. “Ҳаёт пиллапоялари”.
19.35 “Чироғи ёниқ уй”.
20.00 “Халқ виждони”.
20.50 “Кун нафаси”.
21.00 Миллий кино. “Суюнчи”.
22.10 “Менинг ҳаётим”.
22.35 “Табаррук анъана”.
23.00 “Қун нафаси”.
23.10 “Ён қўшним-жон қўшним”.
23.35 “Обод манзиллар”.
00.00 “Ватан мадҳи”.
00.05 Миллий сериал. “Ўзи уйланмаган совчи”.
00.35 “Биламиз-ку, аммо”.
1.00 Миллий кино. “Насриддиннинг саргузаштлари”.
2.15 “Иш билганга минг танга”.
2.35 “Етти хазина”.
3.00 Миллий сериал. “Умидингни сўндирма”.
3.35 “Идрок харитаси”.
4.00 Миллий сериал. “Жийда гули”.
4.30 “Фотокўзгу”.
4.35 “Эҳтиёж формуласи”.
5.00 “Юртим манзаралари”.
5.05-6.00 “Бола бошидан”.

Болажон

7.00 “Салом, болажон!”
7.10 “Болажон гимнастикаси”.
7.20 “Қувноқ стартлар”.
7.40 “Мультипанорама”.
8.30 “Ланди-ланди”.
8.50 “Мультипанорама”.
10.00 “Bravo English!”
10.30 “Мультипанорама”.
12.30 “Топағон болажон”.
13.00 “Мультипанорама”.
13.30 “Рассом болажон”.
14.00 “Қовоқвой ва Чаноқвой”. Спектакль.
15.10 “Худойберди бобо меҳмонда”.
15.30 “Ширинтой-кичкинтойлар”.
15.40 “Қувноқ алифбо”.
16.10 “Мультипанорама”.
17.40 “Болажонлар саҳнаси”.
17.50 “Ланди-ланди”.
18.00 “Болажон ошхонаси”.
18.10 “Мультипанорама”.
19.30 “Табиатга саёҳат”.
19.50 “Story time”.
20.00 “Қувноқ стартлар”.
20.20 “Мультипанорама”.
21.00 “Саргузаштлар ороли”.
21.30 “Эртакчи болажонлар”.
21.50-22.00 “Хайрли тун”.

Кинотеатр

6.00 “Юрт мадҳи”.
6.05 “Ишбилармон кишилар”. Б/ф.
7.25 Миллий кино. “Ёрим-беозорим”.
8.50 Саргузашт фильмлар экрани. “Мексикалик”.
10.45 “Последний самурай”. Х/ф.
13.00 Кундузги сериал. “Орият ва эҳтиром”.
13.50 “Ганновер кўчаси”. Б/ф.
15.35 Болалар экрани. “Белл ва Себастьян”.
17.10 “Гувоҳ”. Б/ф.
19.00 “Баҳор таронаси”. Т/с.
20.10 Миллий кино. “Кўз ёшим”.
21.25 “Ҳафта юлдузи”. Жон Траволта.
21.45 Жаҳон киноси. “49- команда”.
23.35 “Қаҳр ҳикоялари”. Қисқа метражли фильм.
00.00 “Юрт мадҳи”.
00.05 “Посейдон”. Х/ф.
1.45 “Вақт машинаси”. Б/ф.
3.20 “Цирк”. Б/ф.
4.30 - 6.00 Миллий сериал. “Чемпионлик орзуси”.

СЕШАНБА, 5

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 “Ассалом, Ўзбекистон!”
7.00 Миллий сериал: “Орзулар фасли”.
7.35 “Таҳлил – 25”.
8.00 “Ахборот”.
8.40 Миллий сериал: “Қалдирғочлар яна қайтади”.
9.15 “Табиат ҳодисалари”. Ҳ/ф.
9.30 “Монк”. Т/с.
10.15 “Қорачиқ”.
10.35 “Иқлим”.
10.45 “Суҳбатдош”.
11.00 “Ахборот”.
11.10 Миллий сериал: “Опа-сингиллар”.
11.50 “Иқлим”.
12.00 “Ассалом, Ўзбекистон!”
13.00 “Эл тинчлиги йўлида”.
14.00 “Ахборот”.
14.15 “Кўрганларимиз ҳақида”.
14.40 Миллий сериал: “Муҳаббатим – қисматим”.
15.20 “Муносабат”.
16.00 “Тезкор хабарлар”.
16.10 “Устурлоб”.
16.30 “Ахборот” (инглиз)
16.40 “Бир жиноят изидан”.
17.00 “Ахборот”.
17.10 “Кунларнинг бирида”.
17.25 “Агроолам”.
17.40 “Монк”. Т/с.
18.25 2016 йил – “Соғлом она ва бола йили”. “Нурли ришталар”.
18.45 Миллий сериал: “Опа-сингиллар”.
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 “Ахборот” /рус/.
20.05 “Севги сароблари”. Т/с.
21.00 “Ахборот”.
21.40 “Бизнес старт”.
22.05 – 23.35 “Кутилмаган шодлик”. Б/ф.
23.35 “Иқлим”.
23.40 2016 йил – “Соғлом она ва бола йили”. “Нурли ришталар”.
00.00 Миллий сериал: “Опа-сингиллар”.
00.40 “Кунларнинг бирида”.
1.00 “Ахборот” /рус/.
1.30 “Ассалом, Ўзбекистон!”
2.30 “Алдагани хотин яхши”. Спектакль.
4.00 “Ахборот”.
4.40 Миллий сериал: “Қалдирғочлар яна қайтади”.
5.10 “Агроолам”.
5.30 – 5.55 “Бизнес старт”.

Ёшлар

6.00 “Ватан меҳри”.
6.10 “Афсона ва ҳақиқат”.
7.00 “Табиб”. Т/с.
7.50 “Фан ва ёшлар”.
8.30 “Қасоскор хоним”. Т/с.
9.30 “Зулфия издошлари”.
9.50 “UzEX”.
10.00 “Давр”.
10.10 “Келин”. Т/с.
11.00 “Бобур хазинаси”.
11.40 “Ёшлар боғи”.
12.00 “Пазанда”. Т/с.
12.50 “UzEX”.
13.00 “Давр”.
13.10 “Бир миллионлик машмаша”. Б/ф.
14.40 “Табиат қўшиғи”.
15.50 “UzEX”.
16.00 “Давр”.
16.10 “Бир қадам”. Т/с.
16.50 “Зар замин”.
17.30 “Давр мавзуси”.
17.50 “Ислом – тинчлик дини”.
18.00 “Вельвет галереяси”. Т/с. 2-фасл.
18.50 “Амир Темур”.
19.00 “Давр”.
19.30 “Келин”. Т/с.
20.20 “Эъзоз ва эҳтиром”.
20.50 “Темурхон авлоди”.
21.00 “Пазанда”. Т/с.
21.50 “Телетуҳфа”.
22.00 “Давр”.
22.30 “Вельвет галереяси”. Т/с. 2-фасл.
23.20 “Афсона ва ҳақиқат”.
00.10 “Ош бўлсин!”
00.30 “Шарқ гавҳари”.
1.00 “Инсон психологияси”.
5.30 – 6.00 “Давр”.

Тошкент

5.55 “Ягонасан, муқаддас Ватаним!”
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00. “Poytaxt”.
6.20 Миллий сериал: “Сабр”.
6.55 “Тошкент вақти”.
9.10 “Севгим менинг – андуҳим менинг”. Т/с.
9.50 “Poytaxt-sport”.
10.15 “Элиза”. Т/с.
11.15 “Сифат назорати”.
11.45 “Мобильная камера”.
12.15 Миллий сериал: “Сабр”.
12.50 “Пойтахт-авто”.
13.10 “Кўзгудаги Биз”.
13.45 “Poytaxt-intervyu”.
14.10 “Тошкент вақти”.
15.10 “Танҳо малагим”. Т/с.
15.50 “Poytaxt-sport”.
16.15 “Шоушенкдан қочиш”. Б/ф. 1 – 2 қисмлар.
19.00 “Телемаркет”.
19.15 “Севгим менинг – андуҳим менинг”. Т/с. /Премьера/.
20.20 “Танҳо малагим”. Т/с. /Премьера/.
21.00 “Телетаҳлил”.
21.30 “Poytaxt-madaniyat”.
21.45 “Телемаркет”.
22.20 “Черное золото”. Х/ф.
00.05 “Кўзгудаги Биз”.
00.45 “Poytaxt-eko”.
1.00 “Пойтахт-авто”.
1.15 “Кўнгил ҳайратлари”.
1.45 “Poytaxt-Hi-tech”.
2.10 “Рангли телевизор”.
2.55 “Мен сизга айтсам”.
3.40 “Poytaxt-eko”.
3.55 – 5.55 “Тошкент вақти”.

Спорт

6.00 “Хайрли тонг!”
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 “Спорт сабоқлари”.
6.30 “Болалар спорти”.
7.00 “Sport online”.
8.00 Хабарлар.
8.15 Интерфутбол.
10.00 Дзюдо. Гран-при турнири.
11.00 “Осиёга назар”.
11.15 Профессионал бокс.
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 “Sport online”.
13.00 От спорти. Халқаро турнир.
14.00 Хабарлар.
14.20 “ФИФА”.
15.50 Теннис.
17.05 “Ифтихоримсан, спорт”.
17.20 “Техноспорт”.
17.35 “Соғломжон-полвонжон”.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Хабарлар.
18.20 “Спорт сайёраси”.
18.40 Футбол. Осиё чемпионлар лигаси – 2016. “Насаф” (Ўзбекистон) – “Ал - Жаиш” (Қатар). Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади. Танаффусда “Спорт-маркет”.
20.30 Футбол. Осиё чемпионлар лигаси – 2016. “Зоб-Ахан” (Эрон) – “Бунёдкор” (Ўзбекистон). Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади. Танаффусда хабарлар.
22.25 От спорти. Халқаро турнир.
23.30 “Ифтихоримсан, спорт”.
23.50 “Техноспорт”.
00.05 Дзюдо. Гран-при турнири.
1.10 Хабарлар.
1.30 Футзал. Ўзбекистон Кубоги.
2.55 Баскетбол.
3.55 Велоспорт.
4.50 – 6.00 Теннис.

Маҳалла

6.00 “Ватан мадҳи”.
6.05 Миллий сериал. “Ўзи уйланмаган совчи”.
6.35 “Фермер”.
7.00 Миллий кино. “Суюнчи”.
8.10 “Менинг ҳаётим”.
8.30 “Кун нафаси”.
8.40 “Чироғи ёниқ уй”.
9.05 Миллий сериал. “Ҳаёт пиллапоялари”.
9.40 “Қадр топган қадриятлар”.
10.05 “Халқ виждони”.
10.55 “Юртим манзаралари”.
11.00 “Менинг маҳаллам”.
11.30 “TV анонс”.
11.35 “Очиқ дарс”.
12.00 “Изҳор”.
12.05 “Ихтиро”.
12.30 “Аждодлар хазинаси”.
12.55 “Кун нафаси”.
13.00 Миллий кино. “Бахт уйи”.
14.05 “Маҳалламиз спортчилари”.
14.55 “TV анонс”.
15.00 Миллий сериал. “Умидингни сўндирма”.
15.30 “Илм қудрати”.
15.55 “Кун нафаси”.
16.00 Миллий сериал. “Жийда гули”.
16.30 “Эзгу сўз, эзгу амал”. Ток-шоу.
17.15 “Бекасам”. Ҳужжатли фильм.
17.30 “Маҳалламиз болалари”.
17.55 “Кун нафаси”.
18.00 “Аслидек асрайлик”.
18.25 “Изҳор”.
18.30 “Саодатли умр”.
19.00 Миллий сериал. “Ҳаёт пиллапоялари”.
19.35 “Ноёб институт”.
19.55 “TV анонс”.
20.00 “Ён қўшним-жон қўшним”.
20.25 “Обод манзиллар”.
20.50 “Кун нафаси”.
21.00 Миллий кино. “Салом, гуруҳдагилар!”
22.20 “Шарқона маскан”.
22.45 “Бекасам”. Ҳужжатли фильм.
23.00 “Кун нафаси”.
23.10 “Шукрона”.
23.35 “Қишлоқ қўйнидаги бахт”.
00.00 “Ватан мадҳи”.
00.05 Миллий сериал. “Ўзи уйланмаган совчи”.
00.40 “Мўъжаз Ватан”.
1.00 Миллий кино. “Бахт уйи”.
2.15 “Кўнгилдаги гаплар”.
3.00 Миллий сериал. “Умидингни сўндирма”.
3.35 “Йўлга чиқдик”.
4.00 Миллий сериал. “Жийда гули”.
4.35 “Ноёб институт”.
5.00 “Муқаддас қадамжолар”.
5.05 “Соғлом турмуш”.
5.30 “Фотокўзгу”.
5.35-6.00 “Фермер”.

Болажон

7.00 “Салом, болажон!”
7.10 “Болажон гимнастикаси”.
7.20 “Қувноқ стартлар”.
7.40 “Мультипанорама”.
8.30 “Ланди-ланди”.
8.50 “Мультипанорама”.
10.10 “Story time”.
10.30 “Мультипанорама”.
12.30 “Қувноқ алифбо”.
13.00 “Мультипанорама”.
13.30 “Саргузаштлар ороли”.
13.50 “Болажон ошхонаси”.
14.00 “Сеҳрли дур”. Спектакль.
15.10 “Ширинтой-кичкинтойлар”.
15.20 “Топағон болажон”.
15.30 “ABC-kids”.
16.00 “Мунчоққўз болажон”.
16.10 “Мультипанорама”.
17.30 “Табиатга саёҳат”.
17.50 “Ланди-ланди”.
18.00 “Болажон устахонаси”.
18.10 “Мультипанорама”.
19.30 “Рассом болажон”.
19.50 “Қувноқ стартлар”.
20.10 “Мультипанорама”.
20.50 “Соғлом болажон”.
21.30 “Эртакчи болажонлар”.
21.50-22.00 “Хайрли тун”.

Кинотеатр

6.00 “Юрт мадҳи”.
6.05 “Курьер”. Б/ф.
7.30 Миллий кино. “Кўз ёшим”.
8.45 Саргузашт фильмлар экрани. “Кинг Конг”.
11.30 “Гувернантка”. Х/ф.
13.00 Кундузги сериал. “Орият ва эҳтиром”.
13.50 “Крамер Крамерга қарши”. Б/ф.
15.35 Болалар экрани. “Содиқ қалб”.
17.05 “Сизга мактуб”. Б/ф.
19.00 “Баҳор таронаси”. Т/с.
20.05 Миллий кино. “Қалб кўзи”.
21.45 Жаҳон киноси. “Юзсиз”.
00.00 “Юрт мадҳи”.
00.05 “Вестерн по-французски”. Х/ф.
2.00 “Шон ва қон”. Б/ф.
4.30 - 6.00 Миллий сериал. “Чемпионлик орзуси”.

(Давоми келгуси сонда)

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9229
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 455
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
10201 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 15.30
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
1 2 3 4 5